

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

АНАШОВ ВАЛИХАН ДЖУМАХОНОВИЧ

**ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ БОКСЧИЛАРНИНГ МУСОБАҚА ОЛДИ
ТАЙЁРГАРЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСЛУБИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Анашов Валихан Джумахонович

Юқори малакали боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлиги
самарадорлигини ошириш услубиятини такомиллаштириш.....3

Анашов Валихан Джумахонович

Совершенствование методики повышения эффективности
предсоревновательной подготовки боксёров высокой квалификации.....29

Anashov Valixan Djumaxonovich

Improving the methodology for improving the effectiveness of pre-competition
training of highly qualified boxers.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....59

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

АНАШОВ ВАЛИХАН ДЖУМАХОНОВИЧ

**ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ БОКСЧИЛАРНИНГ МУСОБАҚА ОЛДИ
ТАЙЁРГАРЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСЛУБИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчик-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.2. PhD/Ped.438. рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uzdjtsu.uz ва «Ziyouet» Ахборот-таълим порталининг (www.ziyouet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Халмухамедов Рустам Деқанович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Тажибаев Сойиб Самижонович
педагогика фанлари доктори, доцент

Комилов Жамолиддин Каримжонович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «8» 01 соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-37-717-17 79, 717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети "В" биноси, 2 қават, кичик мажлислар зали.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 21327 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.:(0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76

Диссертация автореферати 2020 йил «26» 12 да тарқатилди.
(2020 йил «26» 12 даги 17 -рақамли респ.баснома)



М.В.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби п.ф.б.ф.д. (PhD)

Ф.А.Керимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда турли спорт турлари бўйича спортчилар тайёргарлигини индивидуаллаштириш муаммоси мураббий ва мутахассисларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Юқори малакали боксчиларни тайёрлаш жараёнини индивидуаллаштириш – зарурий сифатларни ривожлантириш, адекват ҳолатларни бошқариш ҳамда самарали ва ишончли мусобақа фаолиятини таъминловчи техник-тактик усулларнинг индивидуал мос келадиган ҳолатларини такомиллаштириш мақсадида таъсир қилишнинг персонал дозалаштириладиган усуллари асосида спортчиларнинг потенциал имкониятларини амалга оширишдан иборат. Индивидуал машғулотнинг такомиллаштирилган усулларини излаб топиш спорт илм-фанининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шунингдек, юқори малакали спортчиларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда.

Жаҳон амалиёти шундан далолатки, ҳозирги замонда юқори натижалар спортида юксак натижага спорт-техник маҳорат асосини ташкил этувчи кенг қамровли турли хил ҳаракат, сенсомотор ва жисмоний сифатларнинг юқори даражада ривожланганлиги, спортчида мавжуд бўлган иқтидорнинг рўёбга оширилиши ҳисобига эришилади. Спортчиларнинг иқтидорлари, бир томондан, жисмоний ва психик сифатларнинг юқори даражада ривожланганлиги, иккинчи томондан, машғулот ва мусобақа фаолиятининг экстремал шароитларида барқарор ҳолатни белгилаб берувчи қобилиятлар сифатида намоён бўлади. Бир қатор муаллифларнинг тадқиқотларига қарамай, индивидуал фаолият услуги хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар асосида юқори малакали боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлигига индивидуал ёндашиш муаммоси ҳал этилмай қолмоқда.

Ҳозирда, Ўзбекистон боксчиларининг юксак спорт ютуқлари фониди, машғулотнинг янги усулларини ишлаб чиқишнинг амалий вазифаси, боксчиларимизнинг мусобақа фаолияти натижавийлигини оширувчи янада самаралироқ воситаларни топиш муҳим ҳисобланади. “Шу билан бирга, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, спорт турлари бўйича юқори натижаларни таъминлайдиган маҳоратли спортчилар билан миллий терма жамоаларни шакллантиришга аълоҳида эътибор қаратилмоқда”¹. Бугунги кунда долзарб бўлган спортчиларни тайёрлаш тизимида индивидуаллаштириш муаммосига катта қизиқиш, спорт фаолиятининг самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш каби ўзига хос вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ. Шунга қарамай, муаммонинг юқори малакали боксчилар мусобақа олди тайёргарлигини индивидуаллаштиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ айрим жиҳатлари ҳозирга қадар етарлича тадқиқ қилинмаган ва тажрибада асослаб берилмаган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924 сонли фармойиши <http://lex.uz>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2821-сонли “Ўзбекистон Республикаси спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпиада ва XVI Паралимпия ўйинларида иштирок этишга тайёрлаш тўғрисида”ги Қарори, 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сонли “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда бир қатор муаллифлар [Е.П.Врублевский, В.В.Житлов, Н.А.Милушова, А.А.Петров, В.А.Сальников, М.Ю.Степанов, В.А.Таймазов]² томонидан индивидуаллаштириш тамойили асосида спорт машғулотининг турли жиҳатлари ўрганилган.

Албатта, ҳар бир тажрибали мураббий ўз амалий билим ва мураббийлик интуицияси асосида спортчиларнинг индивидуал хусусиятларига кўп даражада мос келадиган тайёрлаш йўллари топади. Бундай ҳолларда асосиз катта йўқотишларга дуч келинади ва ҳар қандай хато, спортчиларнинг энг муҳим мусобақалар вақтида машқланганликнинг юқори даражасига эришмасликлари, потенциал имкониятларидан максимал фойдалана олмасликлари, уларнинг спортча чиқишлари эса “ишончли” деб баҳоланмаслигига олиб келиши мумкин.

Машғулот жараёнини индивидуаллаштиришдаги методик усул ва услубиятларнинг кенг кўламли арсеналига қарамай, мусобақа олди тайёргарлигини такомиллаштириш йўналишидаги бокс назарияси ва услубиятининг ривожига муайян зиддиятлар тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

- юқори малакали боксчиларни мусобақа олди тайёргарлиги жараёнида индивидуал ёндашув талабларига риоя қилиш зарурати ва ушбу талабларга мувофиқ тайёргарликнинг асосий воситалари таркиби, амалга ошириш

²Врублевский Е.П. Технология индивидуализации подготовки квалифицированных спортсменов: теоретико-методические аспекты / Е. П. Врублевский [и др.]; М-во образования Республики Беларусь, Гомельский гос. ун-т им. Ф. Скорины. – Гомель : ГГУ им. Ф. Скорины, 2016. -№31– 223 с. Житлов В.В. Предсоревновательная подготовка фехтовальщиц высокой квалификации. Автореф. дисс. . канд. пед. наук. М.: 1985.-№57-21с. Милушова Н. А. Индивидуализация процесса тактической подготовки квалифицированных конькобежцев-спринтеров. Автореф.дисс. ... канд.пед.наук. – Челябинск, 2001. -№99. Петров А.Г. Формирование индивидуального стиля боксеров 14-16 лет. – Автореф. дис. канд. пед. наук. – Набережные Челны, 2010.-№112– 24 с. Сальников В.А. Индивидуальные различия в системе спортивной деятельности: Монография. – Омск.: Изд-во “СибАДИ”, 2003. -№129– 102-114 с. Степанов М.Ю.. Индивидуализация предсоревновательной подготовки квалифицированных кикбоксеров на основе стилевых различий. Автореф.дисс. ... канд.пед.наук. – Набережные Челны, 2011. -№133– 24 с. Таймазов А.Б. Индивидуализация технико-тактической подготовки спортсменов высокого класса в современной вольной борьбе.: Автореф. дис.канд.пед.наук. - Санкт-Петербург 2017. -25с.

устуворлиги ва миқдори бўйича аниқ тавсияларнинг мавжуд эмаслиги ўртасида;

- юқори малакали боксчиларнинг мусобақа олди машғулот жараёнини уларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари, фаолиятнинг индивидуал услуги хусусиятлари асосида индивидуаллаштиришни батафсил назарий асослаш зарурати ва малакали боксчилар тайёргарлигини индивидуаллаштиришнинг илмий мезонларининг ишлаб чиқилмаганлиги ўртасида;

- боксчиларни мусобақа олди тайёргарлик жараёнини қуришга индивидуал ёндашувнинг муҳим амалий аҳамияти ва уни индивидуаллаштиришда асосий назарий ва услубий йўналишларнинг ишлаб чиқилмаганлиги ўртасида.

Кўрсатиб ўтилган зиддиятлар тадқиқот муаммосини шакллантиришга имкон берди: малакали боксчиларни мусобақа олди тайёргарлигини индивидуаллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари қандай?

Индивидуал мусобақа олди тайёргарлиги воситаларини танлашдаги хатолар, кўп жиҳатдан спортчиларнинг индивидуал хусусиятларини тавсифловчи илмий асосланган маълумотлардан етарлича фойдаланилмаганлиги билан боғлиқ. Бинобарин, ушбу вазиятда малакали боксчилар тайёргарлигини индивидуаллаштиришнинг илмий мезонларини танлаш зарурати ҳақида сўз кетмоқда.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2016-2019 ҳамда 2020-2024 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистон терма жамоаларида малакали спортчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш” илмий тадқиқотлар мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори малакали боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлиги самарадорлигини ошириш услугиётини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

юқори малакали боксчиларни мусобақа фаолиятининг индивидуал услуги бeлгилoвчи oмилларни тадқиқ қилиш;

юқори малакали боксчиларни жангни олиб боришининг индивидуал техник ва тактик кўрсаткичларини аниқлаш;

мусобақа олди давридаги машғулот юкламалари ва асосий машқлар тузилишини ўрганиш;

юқори малакали боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлиги жараёни самарадорлигини оширувчи дастур ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг мусобақа олди тайёргарлиги жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети юқори малакали боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлиги босқичида махсус машқланганлик даражаси, индивидуал тайёргарлигини ташкил этиш хусусиятлари, мазмуни ва

йўналтирилганлигидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида қуйидаги усуллардан фойдаланилган: илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили, педагогик кузатув, индивидуал режалар ва машғулотлар кундалиги, психофизиологик ва психологик тадқиқотлар услубиятлари, боксчиларнинг функционал ҳолатини баҳолаш услубиятининг таҳлили, педагогик тажриба, математик статистика усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юқори малакали боксчилар фаолиятининг индивидуал услубини белгиловчи омиллар (техник ва тактик тайёргарликлари, спортчиларнинг типик психофизиологик ҳолатлари кўринишидаги юкламаларда машғулот юкламалари ва реакциялари) хусусиятлари “Спортчиларда терининг электр қаршилигини ўлчаш” ҳамда “Спортчиларнинг кўриш реакция тезлиги ва кўллар ҳаракати суръатини ўлчаш” ускуналари ёрдамида илмий асослаб берилган;

юқори малакали боксчиларда фаолиятнинг турли индивидуал услублари (позицион ҳужум, манёврли ҳужум, манёврли ҳимоя, позицион ҳимоя) ҳаракатларининг (ҳужум, ҳимоя ва қарши ҳужум) таркиби, ҳажми ва натижавийлиги мусобақа жангларини нотацион ёзуви орқали аниқланган;

юқори малакали боксчилар машғулотларининг индивидуал режалари ва кундаликларини таҳлил қилиш йўли орқали асосий мусобақага тайёргарлик босқичдаги машғулот юкламалари тузилмаси ҳамда мазмуни, назарий ва амалий жанговар тайёргарлик (шерик билан эркин жанглар) ҳамда махсус воситалар, “психик жиҳатдан диққатни кўчириш” ва тикланиш, шунингдек, умумий тайёргарлик воситалари ҳажмлари асослаб берилган;

юқори малакали боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлиги методикасини такомиллаштиришга бўлган методологик ва психологик-педогогик ёндашувлар асосида дастур ишлаб чиқиш орқали мусобақа олди тайёргарлиги самарадорлиги такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юқори малакали боксчиларни мусобақа олди тайёргарлиги услубияти, фаолиятнинг индивидуал услубининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

юқори малакали боксчилар тайёргарлигини индивидуаллаштириш мезонлари ишлаб чиқилган ва илмий асослаб берилган;

юқори малакали боксчилар фаолиятининг индивидуал услубини белгиловчи омиллар аниқланган;

фаолиятнинг техник-тактик компонентлари, юқори малакали боксчилар фаолиятининг натижавий тавсифларидаги индивидуал фарқларнинг омиллари аниқланган;

турли индивидуал услубдаги боксчиларнинг “мукамал” жанг фаолиятларининг дастлабки хусусиятлари сифатида қўлланилиши мумкин бўлган юқори малакали боксчилар шахсининг модел хусусиятларининг миқдорий параметрлари белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммони ҳал қилишга яхлит ёндашув; назарий ва услубий асосланганлик ва дастлабки назарий ҳолатларнинг изчиллиги, уларнинг педагогик воқеликни ривожлантириш тенденцияларига мослиги; тажриба-экспериментал ишни тўғри ташкил этиш; тадқиқотни асосий натижаларининг барқарор такрорийлиги ва олинган маълумотларнинг репрезентативлиги; тадқиқот методларини предметга мос равишда ўрганишни қўллаш; тажриба-экспериментал ишининг натижаларини сифатли ва миқдорий таҳлил қилиш; олинган натижаларни ахборот компьютер технологиялари асосида статистик қайта ишлашдан фойдаланиш билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижалари юқори малакали боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлигини индивидуаллаштириш муаммосига бўлган ёндашувларни кенгайтиришга имкон беради ва юқори малакали спортчилар тайёргарлигини такомиллаштиришнинг инновацион методикаларини ишлаб чиқиш учун илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бунда юқори малакали боксчилар тайёргарлик жараёнини индивидуаллаштириш асосида индивидуаллаштириш дидактик тамойили ифода этилиб, аниқликлар киритилади, мусобақа ва машғулот фаолияти хусусиятларини индивидуал моделлаштириш юзасидан тавсиялар берилади.

Диссертация иши хулосаларининг боксчилар тайёрлаш амалиётида қўлланилиши мутахассисларга спортчиларнинг мусобақа олди тайёргарлиги мазмунини тўғри тузишга имкон беради, боксчилар спорт натижаларининг ишончли ўсишига, спортда узоқ муддат қолишга ёрдам беради, ўз имкониятларини рўёбга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Тадқиқотлардан олинган натижалар яққакураш спорт турларида спортчиларнинг индивидуал хусусиятлари, шунингдек, уларга хос жанг олиб бориш услубини инобатга олган ҳолда мусобақа олди тайёргарлигининг турли босқичларида машғулот воситаларини тақсимлашда, махсус ишчанлик қобилиятини ташхислаш ва башоратлаш усуллари ҳамда методларини оптималлаштириш ва индивидуаллаштиришда қўлланилиши мумкин. Шунингдек, улардан жисмоний тарбия олий ўқув юртларида бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлашда ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказларида педагог-мураббийларнинг малакасини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот материалларидан ўқув ва ўқув-методик қўлланмаларни ёзишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли индивидуал услубда фаолият олиб боровчи юқори малакали боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлигини такомиллаштириш услубияти юзасидан ўтказилган тажрибалар асосида:

юқори малакали боксчилар фаолиятининг индивидуал услубини белгиловчи омиллар – тайёргарлик характери, спортчиларнинг психофизиологик ҳолатлари, сенсомотор реакцияларини объектив аниқлаш учун “Спортчиларда терининг электр қаршилигини ўлчаш” ҳамда “Спортчиларнинг кўриш реакция тезлиги ва қўллар ҳаракати суръатини

ўлчаш” приборлари яратилди. Ушбу приборларда хиссий кўзғалиш ва сенсомотор реакция кўрсаткичлари аниқланиб, боксчиларнинг тайёргарлик самарадорлиги даражаларини ошириш бўйича амалий тавсиялар “Спорт педагогик маҳоратини ошириш (бокс)” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан 434-293 рақамли). Натижада, боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлик самарадорлиги, психофизиологик ҳолати ва реакция кўрсаткичлари 16%га яхшиланди;

юқори малакали боксчиларни, жангни олиб боришининг индивидуал техник ва тактик кўрсаткичларини таҳлили асосида тўртта гуруҳга ажратилди ва тизимли кўрсаткичлар, таклифлар ва тавсиялар “Спорт педагогик маҳоратини ошириш (бокс)” номли дарслик мазмунига киритилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан берилган 434-293-рақамли гувоҳнома). Натижада, юқори малакали боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлик даврида тактик кўрсаткичлари 14,6%га ўсишига имкон берган;

мусобақага тайёргарлик босқичларида машғулот юкламалари ва асосий машқлар тузилиши ўрганилди, унинг оптимал нисбатлари бўйича спортчиларга тавсиялар берилди (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 10 мартдаги 03-07-08-1078-сон маълумотномаси). Натижада малака ошириш курсларида таълим олаётган тренерлар билим даражаси 9,5% ошди.

Юқори малакали боксчиларни мусобақа олди тайёргарлиги самарадорлигини такомиллаштириш учун, нерв системаси хусусиятларини, индивидуал фаолият услуби ва машғулот юкламаларини ҳисобга олган ҳолда, дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур Ўзбекистон миллий бокс терма жамоа аъзолари ўқув-машулотларида қўлланилди (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 10 мартдаги 03-07-08-1078-сон маълумотномаси). Натижада, 2019 йили (Екатеринбург шаҳри, Россия) бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида 3 та олтин, 1 та кумуш ва 1 та бронза медаллари қўлга киритилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларига тақдим этилган. Диссертация кафедрани йиғилишида, ЎзДЖТСУ нинг илмий семинарида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг энг муҳим натижалари бўйича 10 та илмий ишлар турли даврий нашрларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 3 та мақола (2 та республика ва 1 та хорижий) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 164 саҳифа матндан иборат бўлиб, кириш қисми, 4 та боб, 21 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида ишнинг долзарблиги асосланган, тадқиқот муаммоси, мақсади, объекти, предмети, илмий гипотезаси шакллантирилган; вазифалар, тадқиқот усуллари белгилаб берилган; тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган; тадқиқот босқичларининг мазмуни очиб берилган, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар илгари сурилган.

Диссертациянинг “**Яккакурашда (бокс мисолида) машғулот жараёнини тузишнинг назарий ва услубий асослари**” деб номланган биринчи бобда боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлик жараёнида индивидуаллаштириш муаммосини тизимли таҳлил қилиш натижалари кўрсатилган, боксда машғулот жараёнини куришнинг ўзига хос хусусиятлари, боксчиларнинг жанговар фаолияти хусусиятлари, боксчиларни мусобақа фаолиятининг индивидуал хусусиятларини белгилаб берувчи объектив омиллар ҳақидаги материаллар очиб берилган; спортнинг ҳозирги назария ва услубиятида вужудга келган спортчининг мусобақа фаолияти самарадорлигига дастлабки шартнинг интеграл тавсифи сифатида ишончилиги ҳақидаги тасаввурлар кўриб чиқилган; спортчиларнинг мусобақа олди тайёргарлигини бошқаришнинг асосий қоидалари очиб берилган.

Илмий-методик адабиётлар таҳлили, кўп йиллик машғулотнинг асосий, якуний мақсади сифатида максимал спорт натижасига эришиш, специфик спорт фаолиятида бошланиш нуқтаси сифатида индивидуал сифатлар, хусусиятлар ва қобилиятларни тўлиқ амалга оширишни назарда тутди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, спортчилар тайёргарлигини бошқариш сифатини ошириш кўп жиҳатдан машғулот, мусобақа фаолияти ва тайёргарлик даражасининг асосий параметрларини акс эттирувчи моделли тавсифларни ишлаб чиқишга боғлиқ.

Илмий-услубий ва махсус адабиётларнинг назарий таҳлили, малакали боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлиги самарадорлигини фаолиятнинг индивидуал услубини ҳисобга олган ҳолда оширишдан иборат тадқиқот муаммосини аниқлаш имконини берди.

Диссертациянинг “**Тадқиқот усуллари ва уни ташкил этиш**” деб номланган иккинчи бобда тадқиқот усуллари, педагогик тажрибани ташкил этиш ва ўтказишнинг хусусиятлари, тадқиқотни уч босқичининг ҳар бири бўйича олиб борилган ишнинг тузилиши баён этилган. Тадқиқотлар 2016 -2020 йиллар давомида уч босқичда ўтказилди.

Биринчи босқич – назарий-изланиш босқичи (2016-2017 й.й.) бўлиб, бокс назарияси ва амалиётида мусобақа олди тайёргарлигини индивидуаллаштириш муаммоси ҳолатини таҳлил қилиш билан боғлиқ тарзда амалга оширилди. Ушбу босқичдаги иш натижасида ишчи фараз шакллантирилди. Унинг мазмуни, юқори малакали боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлиги жараёнини индивидуаллаштиришнинг педагогик шартларини мавжудлигидан иборат бўлди. Бундан ташқари, ушбу босқичда

боксчилар фаолиятининг индивидуал услубини белгиловчи омилларни аниқлаш имконини берган тавсифловчи педагогик тажриба ўтказилди. Усуллар: илмий ва методик адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, педагогик кузатув, тренировканинг индивидуал режалари ва кундалик дафтарларини таҳлил қилиш, тренировка ва мусобақа жанглариининг видеоёзувларини, психофизиологик ва психологик тадқиқотлар усулларини таҳлил қилиш, боксчиларнинг функционал ҳолатларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичи – тажрибавий-таҳлилий босқич (2017-2019 й.й.) бўлиб, унда асосий эътибор шакллантирувчи тажрибани ўтказишга қаратилди. Ушбу босқичдаги ишнинг натижасида фаолиятнинг индивидуал ўзига хос ички ва ташқи параметрларида базалашган, юқори малакали боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлиги самарадорлигини оширувчи муайян педагогик воситаларни ишлаб чиқиш, ушбу спортчиларни юқори спорт натижаларига эришишига кўмаклашади, деган фикр шаклланди. Юқори малакали боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлиги жараёнини индивидуаллаштириш усули ишлаб чиқилди ва тадқиқот базасининг табиий шароитларида тажриба ишлари амалга оширилди. Усуллар: моделлаштириш, педагогик тажриба, боксчилар фаолиятини таҳлил қилиш.

Учинчи босқич – яқуний-баҳоловчи босқич (2019-2020 й.й), олинган тажриба маълумотларини статистик қайта ишлаш, уларни таҳлил қилиш ва интерпретацияси, умумий хулосаларни шакллантириш, диссертация ишини расмийлаштириш билан боғлиқ бўлди. Усуллар: педагогик тажриба натижаларини таҳлил қилиш, тажриба ишининг натижаларини статистик қайта ишлаш.

Ўзбекистон Республикаси терма жамоаси аъзолари ва Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети боксчилари синовдан ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси терма жамоаси бош мураббийлари раҳбарлиги остида машғулот олиб борган Осиё, Жаҳон ва Олимпия ўйинлари чемпионлари, халқаро тоифадаги спорт усталари Ш.Зоиров, И.Мадримов, Д.Рўзметов, Б.Жалолов, М.Мирзахалилов, А.Халоков ва бошқаларнинг спорт фаолияти батафсил ўрганилди.

Диссертациянинг **“Боксчилар фаолиятининг индивидуал услубини белгиловчи омиллар”** деб номланган учинчи бобда юқори малакали боксчиларни мусобақа фаолиятининг индивидуал хусусиятлари батафсил тавсифланган, асосий стартга тайёрлаш босқичида машғулот юкламалари ва асосий машқларни тақсимлаш вариантлари, спортчиларнинг машғулот юкламаларига реакциясининг индивидуал-типик вариантлари таҳлил қилинган, машғулот фаолияти ва турли индивидуал услубга эга бўлган боксчилар ҳолати хусусиятларининг аҳамияти аниқланган, юқори малакали боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлиги самарадорлигини ошириш йўллари таҳлил қилинган.

Боксчиларнинг индивидуал хусусиятларини психодинамик хусусиятларнинг намоён бўлиши бўйича таҳлил қилишда (“психодинамик хусусиятлар” ва “асаб тизимининг хусусиятлари” тушунчаларининг синоними сифатида кўриб чиқамиз), бизни, бир томондан, хусусиятларнинг

энг типик тавсифлари, иккинчи томондан, тажриба гуруҳининг боксчиларига хос хусусиятларнинг индивидуал ўзига хослиги қизиқтирди. Олинган ўртача қийматлар, катта ҳажмдаги тажриба гуруҳларида амалга оширилган узок муддатли тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган стандарт қийматлар билан таққосланди [Б.М.Теплов, 2000].

Психодинамик хусусиятларнинг намоён бўлиши бўйича индивидуал кўрсаткичларни стандарт кўрсаткичлар билан таққослаб, тажриба гуруҳи боксчиларида асаб тизими хусусиятларининг намоён бўлишини ташхисладик. Бундан ташқари, тажриба маълумотлари машғулот ва мусобақа фаолияти шароитларида олиб борилган кузатув маълумотлари билан тўлдирилди.

Ташхис натижасида тажриба гуруҳи боксчиларида психодинамик хусусиятларнинг қуйидаги бирикмалари олинди:

1) кучли, ҳаракатчан ва лабил асаб тизими; 2) кучли, ҳаракатчан, лабил эмас; 3) кучли, инерт, лабил; 4) кучли, инерт, лабил эмас; 5) кучсиз, ҳаракатчан, лабил эмас; 6) кучсиз, инерт, лабил эмас.

Жанговар потенциални тўплаш босқичи якунида ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, энг кучли спортчилар спорт формасининг биринчи чўққисига чиққан вақтда, боксчилар қўллайдиган ҳаракатларнинг тактик адекватлик кўрсаткичлари бирмунча ўзгарган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Юқори малакали боксчиларнинг жанговар потенциални тўплашнинг боши ва якунида жангни олиб боришининг турли хил воситалари динамикаси

Спортчи	Жанговар потенциални тўплаш босқичининг бошида					Жанговар потенциални тўплаш босқичининг якунида					
	Хужум ҳаракатлари				Ҳимоя	Қарши хужум	Хужум ҳаракатлари			Ҳимоя	Қарши хужум
	Оддий (якка ургу берилган зарбалар билан)	Мураккаб(икки-учта зарба комбинациялари билан)	Зарбалар кетма-кетлиги билан				Оддий (якка ургу берилган зарбалар билан)	Мураккаб(икки-учта зарба комбинациялари билан)	Зарбалар кетма-кетлиги билан		
Б.Ж-ов	$\frac{7,0}{57\%}$	$\frac{7,4}{50\%}$	$\frac{4,8}{83\%}$	$\frac{8,3}{50\%}$	$\frac{7,7}{67\%}$	$\frac{7,3}{52\%}$	$\frac{7,8}{46\%}$	$\frac{5,2}{72\%}$	$\frac{9,6}{63\%}$	$\frac{7,5}{60\%}$	
Ш.З-ов	$\frac{7,1}{60\%}$	$\frac{7,6}{62\%}$	$\frac{4,8}{70\%}$	$\frac{7,8}{55,5\%}$	$\frac{7,8}{22\%}$	$\frac{7,2}{42\%}$	$\frac{6,4}{48\%}$	$\frac{4,8}{61\%}$	$\frac{7,9}{69,4\%}$	$\frac{9,4}{68\%}$	
А.Х-ов	$\frac{7,6}{51\%}$	$\frac{8,6}{48\%}$	$\frac{4,6}{70\%}$	$\frac{3,9}{49\%}$	$\frac{7,75}{43\%}$	$\frac{8,9}{64\%}$	$\frac{9,3}{52\%}$	$\frac{4,9}{81\%}$	$\frac{4,2}{64\%}$	$\frac{8,2}{46\%}$	
И.М-ов	$\frac{7,4}{46\%}$	$\frac{7,1}{50\%}$	$\frac{5,8}{28\%}$	$\frac{4,77}{61\%}$	$\frac{9,3}{47\%}$	$\frac{7,8}{52\%}$	$\frac{9,2}{58\%}$	$\frac{5,6}{33\%}$	$\frac{7,2}{52\%}$	$\frac{10,6}{56\%}$	
Б.Б-ов	$\frac{7,4}{57\%}$	$\frac{8,4}{42\%}$	$\frac{3,2}{50\%}$	$\frac{7,6}{50\%}$	$\frac{7,6}{37\%}$	$\frac{8,2}{32\%}$	$\frac{8,4}{38\%}$	$\frac{5,9}{29\%}$	$\frac{10,4}{24\%}$	$\frac{9,8}{18\%}$	

Изоҳ. Суратида – бир раундда ҳаракатни ўртача қўллаш частотаси, махражда – унинг самарадорлиги.

Индивидуал-типик ўзгаришларга (вариация) боғлиқ бўлмаган қонуният қуйидагилардан иборат. Жанговар потенциалнинг тўпланиш даражасига қараб, жангларни олиб боришнинг ўзига хос зичлиги ортиб боради, шунинг учун аксарият кўп ҳолларда жанговар ҳаракатларнинг умумий сони ортади. Шу билан бирга, самарадорлик кўрсаткичи бирмунча қисқаради, буни рақиблар тайёргарлик даражасининг тенглашиши билан изоҳлаш мумкин.

Осиё ўйинларига (Жакарта, Индонезия, 2018 йил сентябр) тайёргарлик пайтида малакали боксчиларнинг назорат мусобақалари ўтказилди.

Ушбу назорат мусобақаларида, кўп боксчиларнинг жанг ҳаракатлари самарадорлик кўрсаткичлари, жанговар потенциални тўплаш босқичидагига қараганда паст бўлди, ваҳоланки, йилнинг асосий стартига тайёргарлик босқичи бўлган эди. Бу қуйидагилар билан изоҳланади: агар аввалги мусобақаларда тажрибадагиларнинг рақиблари турли тоифадаги спортчилар бўлган бўлса, лекин эндиликда улар ўзаро беллашдилар. Барча боксчиларнинг савияси юқори, улар бир-бирларини яхши билишади, шунинг учун уларга жанговар фаолият самарадорлигининг юқори даражасига эришиш қийин.

Юқорида келтирилган маълумотларни, спортчиларни спорт мавсумининг бошидаги техник тайёргарликлари кўрсаткичлари билан таққослаш учун, биз, Дуйшенкул Шопоков (2018 йил январь) хотирасига бағишланган Халқаро турнирда олти нафар энг кучли спортчиларнинг жанговар фаолиятини қайд этдик ва таҳлил қилдик (2-жадвалга қаранг).

Барча боксчиларнинг натижалари миқдорий тавсифлари бўйича жанговар потенциални тўплаш босқичи бошидаги кўрсаткичларидан ошиб кетди ҳамда сифат тавсифлари бўйича ҳам деярли кам бўлмади.

Бинобарин, спорт мавсуми бошланишида боксчилар анча фаол бўлишди, кейин фаоллик вақтинча пасайди, жанговар ҳаракатларлар сифати фақатгина жанговар потенциални тўплаш босқичининг охирида оптимал қийматларга етди.

Кузатишларимиз барча боксчиларни жангни олиб бориш манёври бўйича тўрт гуруҳга ажратиш имконини берди: 1) позицион ҳужум; 2) манёврли ҳужум; 3) манёврли ҳимоя; 4) позицион ҳимоя.

Келтирилган маълумотлар боксчиларнинг техник ва тактик тайёргарлиги даражасини баҳолаш учун модели тавсифлари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу нафақат усулни қўллаш частотаси кўрсаткичларига, балки унинг самарадорлигига жуда мос келади. Жангларнинг видео ёзувлари асосида у ёки бу боксчининг тактик хусусиятларининг аниқ аҳамиятини белгилаб, унинг ўзига хос типик индивидуал услубини аниқлаган ҳолда, мураббий, уларни тайёрлашда “заиф бўлинмаларини” билиб олиши ва тактик тайёргарликнинг қайси бўлими устида биринчи навбатда ишлаши кераклигини, самарадорликнинг қандай катталигига эришиш зарурлигини аниқлаши мумкин. Бу боксчиларни тактик тайёрлаш жараёнини энг муҳим педагогик тамойил — индивидуал ёндашув тамойилига таянган ҳолда оптималлаштиришга имкон беради.

**Боксчиларнинг тайёргарлик даври тугаганидан кейинги
жанговар ҳаракатларининг қўлланиш ҳажми, натижавийлиги ва
умумий тактик адекватлиги**

Спортчи	Хужум ҳаракатлари			Ҳимоя	Қарши хужум
	Оддий (якка урғу берилган зарбалар билан)	Мураккаб (икки-уч зарбали комбинациялар билан)	Зарбалар кетма- кетлиги билан		
М.М-ов	<u>7,3</u> 30%	<u>7,5</u> 47 %	<u>10,8</u> 51 %	<u>8,0</u> 55 %	<u>7,2</u> 51 %
Ж.Р-ов	<u>8,0</u> 33 %	<u>8,2</u> 61 %	<u>8,8</u> 54%	<u>8,0</u> 56%	<u>6,7</u> 53%
А.Х-ов	<u>9,0</u> 47 %	<u>7,4</u> 48%	<u>9,1</u> 44 %	<u>8,4</u> 37%	<u>7,0</u> 22%
Р.Т-ов	<u>9,0</u> 35 %	<u>8,0</u> 68 %	<u>9,3</u> 37%	<u>8,1</u> 70%	<u>9,0</u> 61%
Б.Б-ов	<u>7,1</u> 26%	<u>8,0</u> 60%	<u>6,9</u> 46 %	<u>8,7</u> 65%	<u>6,8</u> 43 %
И.М-ов	<u>8,1</u> 41%	<u>8,0</u> 50%	<u>8,7</u> 32 %	<u>8,0</u> 65%	<u>7,0</u> 40%
Б.Ж-ов	<u>8,8</u> 50%	<u>9,1</u> 52 %	<u>8,8</u> 63 %	<u>8,5</u> 50%	<u>6,0</u> 53 %

Изоҳ. Суратида – бир раундда ҳаракатни ўртача қўллаш частотаси, махражда – унинг самарадорлиги.

Мусобақа даврининг турли босқичларида машғулот юкламалари динамикаси таҳлил қилинганда, умумий қонуниятлар очиб берилади. Жанговар потенциални тўплаш босқичида, ЖМ (жанговар машқлар) нинг ортиши билан бир вақтда, УЖТ (умумий жисмоний тайёргарлик) ва ММ (маҳсус машқлар) воситаларининг парциал ҳажмлари камаяди. Босқич ўрталарида ИМ (индивидуал машқлар)нинг ҳажми ЖТ (жанговар тайёргарлик) воситаларининг камайиши ҳисобига кескин ортади, чунки бу вақт техник ва тактик тайёрликни “текислаш” учун энг қулай вақт ҳисобланади. Соф иш вақтининг нисбати гуруҳ бўйича ўртача 57% ни ташкил этади, ваҳоланки, ушбу кўрсаткич фарқларининг индивидуал диапозони 51% дан 71% гача тебранади (3-жадвалга қаранг).

Умуман олганда, бу босқичда, аввалги босқичдагидек, машғулот юкламаларини тақсимлашнинг индивидуал ва техник хусусиятлари кам даражада намоён бўлди, бу эса, эҳтимол, барча спортчилар машқланганлигининг ошиши билан боғлиқ.

3-жадвал

Жанговар потенциални тўплашнинг ўрта босқичида машғулот юкламаларининг ҳажми (дақиқада, %)

Спортчи	УЖТ	ММ	ИИ	ЖМ	ЖТ	ИИ	Машғулот кунлари сони	Тренировка машғулотлари	Соф иш ҳажми	Умумий ҳажм
Ш.З-ов	$\frac{194}{24\%}$	$\frac{111}{14\%}$	$\frac{271}{33\%}$	$\frac{116}{14\%}$	$\frac{118}{14\%}$	6	9	13	$\frac{820}{53\%}$	1550
Б.Ж-ов	$\frac{160}{26\%}$	$\frac{87}{14\%}$	$\frac{149}{25\%}$	$\frac{131}{22\%}$	-	4	6	7	$\frac{602}{67\%}$	892
М.М-ов	$\frac{214}{24\%}$	$\frac{143}{16\%}$	$\frac{265}{30\%}$	$\frac{157}{18\%}$	$\frac{108}{12\%}$	5	9	13	$\frac{887}{51\%}$	1735
Б.Б-ов	$\frac{172}{22\%}$	$\frac{130}{16\%}$	$\frac{179}{22\%}$	$\frac{158}{20\%}$	$\frac{132}{17\%}$	5	8	11	$\frac{788}{57\%}$	1392
А.Х-ов	$\frac{184}{22\%}$	$\frac{137}{16\%}$	$\frac{253}{30\%}$	$\frac{147}{18\%}$	$\frac{104}{13\%}$	5	7	10	$\frac{832}{57\%}$	1335
И.М-ов	$\frac{211}{25\%}$	$\frac{131}{16\%}$	$\frac{262}{31\%}$	$\frac{124}{15\%}$	$\frac{110}{13\%}$	6	8	12	$\frac{838}{58\%}$	1435
Ш.А-ов	$\frac{230}{24\%}$	$\frac{156}{16\%}$	$\frac{232}{24\%}$	$\frac{168}{18\%}$	$\frac{149}{15\%}$	7	9	13	$\frac{960}{71\%}$	1352
Д.Р-тов	$\frac{157}{18\%}$	$\frac{125}{15\%}$	$\frac{311}{37\%}$	$\frac{116}{13\%}$	$\frac{139}{19\%}$	7	9	13	$\frac{848}{50\%}$	1685
Е.А-ов	$\frac{144}{22\%}$	$\frac{78}{12\%}$	$\frac{217}{33\%}$	$\frac{96}{15\%}$	$\frac{117}{18\%}$	6	8	11	$\frac{652}{52\%}$	1260
\bar{x}	185	122	207	134	122	5	9	11	770	1404
Парциал ҳажмлар	23%	15%	30%	17%	15%				57%	

Изоҳ: суратида – юкламаларнинг умумий ҳажми, махражда – парциал ҳажми. Қисқартмалар: УЖТ – умумий жисмоний тайёргарлик, ММ – махсус машқлар, ИИ – мураббий билан “лапаларда” индивидуал ишлаш, ЖМ – топширик бўйича шерик билан жанговар машқлар, ЖТ – жанговар тайёргарлик (эркин кураш).

Йилнинг асосий стартига тайёргарлик кўришда ЖМ ни янада ортиш тенденцияси кузатилади; ЖТ нинг бу босқичида ҳамроҳ бўлган руҳий зўриқиш, “руҳий ўзгариш” ва тикланиш воситаси сифатида УЖТ ролини ошириб, ҳажмни камайтиришга мажбур қилади.

Ушбу йиғинда биз аниқлаган машғулот ишидаги индивидуал фарқлар, спортчиларнинг психодинамик хусусиятлари билан эмас, балки шахсий хусусиятларига кўра белгиланади.

Мусобақа давридаги юкламаларнинг парциал ҳажмлари кўрсаткичлари динамикасини тавсифловчи маълумотлар таҳлили, спортчилар фаолиятининг индивидуал услубига боғлиқ ҳолдаги сезиларли тафовутлар аниқланди. Шундай қилиб, ҳаракатчан ва ўзгарувчан асаб тизимига эга бўлган

спортчилар, ИМ ва ЖМ каби воситалар фойдасига ММ воситаларининг ҳажмини камайтирди.

Лабил асаб жараёнларига эга бўлган спортчилар, одатда, тренировка машғулотларининг ҳажми, интенсивлиги ва “ҳаракат зичлиги”ни камайтириб, якуний микроциклда (МЦ) тайёргарликни оширишди, биринчи микроциклда эса спорт формасига кириш жараёнини “ушлаб турган ҳолда” УЖТ ҳажмини оширишди. Ўзгарувчан ва инерт асаб жараёнига эга спортчилар, охирги микроциклда натижага қаратилган машғулот жангларини четга суриб, бўлиши мумкин бўлган руҳий зўриқишнинг эрта мусобақа олди ҳолатидан ўзини суғурталаб, асосий эътиборни ИМ га қаратишди.

Психофизиологик кўрсаткичларнинг динамик тавсифлари (юкламадан олдин ва кейин қайд этилувчи электротери қаршилиги, ёруғлик чақнашларини бирлаштиришнинг критик частотаси, тремор) машғулот юкламаларига реакциясининг типик вариантларини аниқлаш имконини беради.

Одатда, кўрсаткичларнинг ёмонлашуви, етарли даражада чидамли бўлмаган психиканинг намоён бўлишига ва (ёки) ишнинг функционал захира билан қониқарсиз таъминланишига мос келади. Турли даражадаги мураккабликка эга тайёргарлик воситаларини таққослашда реакцияларнинг жанг олиб боришнинг индивидуал услуби юкламаларига боғлиқлиги намоён бўлади.

Манёврли ҳужум тактикасига эга бўлган спортчиларда ЖМ ва ЖТ олдидан “иш олди” силжишлари билинар-билинемас, аммо кўриш анализаторининг ҳолатини акс эттирувчилар ёмонлашади: бундай жанг услуби кўриш ахборотининг катта ҳажмини идрок этишга юқори талабларни намоён этади. Позицион ҳужум тактикасига эга боксчиларда ЖТ олдидан кучли ҳаяжон сезилади: спортчилар доимо ҳужумкор ва зўриқувчан фаолиятга олдиндан мослашадилар.

Манёврли ҳимоя услуби вакиллари учун энг асосийси – ўз режасига мос вазиятни кутишдир. Одатда, улар жангни бошқалардан кўра кўпроқ олиб боришади. Уларда ЖТ каби бўлажак масъулиятли фаолиятга муносабати маълум бир “иктисодийлаш” шаклида ифодаланади. Аммо, жангни бу тарзда олиб бориш катта жисмоний ва асаб йўқотишларга олиб келади, бу ЖТ натижасида кўрсаткичларнинг силжишларида кўринади.

Шундай қилиб, турли жанг услубига эга бўлган боксчиларда, машғулот жанги аҳамиятига боғлиқ равишда, уларнинг ҳолатлари турли тарзда шаклланишини кўраемиз.

Боксчиларнинг машғулот юкламаларига реакциясининг тайёргарлик даврига боғлиқлиги кузатилади: жанговар потенциални тўплаш босқичида реакция сезилмас даражада, жанговар потенциални сақлаб туриш босқичида боксчилар машқланганликнинг юқори даражасига эришишади, бунда иш бошланишидан аввал ҳаяжонланишнинг сезиларли фони кузатилади, бу асосий стартга тайёргарлик босқичида анча пасаяди, яъни “иктисодийлаш” ўрнига эга бўлади. Спорт формасига эришилганлик даражасига қараб, юкламаларга янада сезиларли реакцияси кузатилади (4-жадвалга қаранг).

Юкламалар таъсиридаги психофизиологик кўрсаткичлар хилма-хиллигининг тайёргарлик босқичига боғлиқлиги

Спорт -чи	ЭТҚ			ЁЧБКЧ			ТРЕМОР					
	I	II	III	I	II	III	I босқич		II босқич		III босқич	
							част.	ампл.	част.	ампл.	част.	ампл.
Б.Ж- ов	<u>750</u> 450	<u>750</u> 275	<u>670</u> 287	<u>37,0</u> -2,4	<u>33,8</u> -0,2	<u>32,7</u> -2,0	<u>16,2</u> -1,4	<u>3,2</u> -0,6	<u>18,1</u> -0,1	<u>2,8</u> -1,5	<u>51,1</u> -0,8	<u>2,2</u> -0,5
Д.Р- ов	<u>880</u> 126	<u>733</u> 205	<u>701</u> 426	<u>33,5</u> -2,0	<u>33,3</u> 1,3	<u>32,0</u> -3,6	<u>14,8</u> -0,6	<u>2,8</u> -0,3	<u>15,9</u> -1,4	<u>3,1</u> -0,6	<u>19,2</u> -0,3	<u>4,6</u> -0,2
И.М- ов	<u>720</u> 228	<u>703</u> 206	<u>678</u> 278	<u>34,2</u> -1,6	<u>29,2</u> -2,4	<u>31,6</u> 3,9	<u>13,0</u> -1,8	<u>3,5</u> -1,6	<u>15,4</u> -0,6	<u>3,2</u> 0	<u>16,6</u> -3,3	<u>3,0</u> -1,3
Е.А- ов	<u>787</u> 162	<u>795</u> 218	<u>777</u> 224	<u>35,0</u> 2,5	<u>-3,4</u> 1,8	<u>32,3</u> 1,8	<u>17,0</u> -1,0	<u>5,2</u> -1,6	<u>16,1</u> -0,6	<u>4,4</u> -1,1	<u>18,4</u> -1,5	<u>4,6</u> -2,3
Ш.З- ов	<u>701</u> 77	<u>749</u> 283	<u>66</u> 293	<u>37,5</u> 2,0	<u>35,7</u> 0,2	<u>38,4</u> -0,3	<u>14,3</u> -1,1	<u>3,3</u> -1,8	<u>15,2</u> -1,8	<u>5,3</u> -0,7	<u>17,9</u> 2,3	<u>2,5</u> -2,6
Ж.Р- ов	<u>592</u> 112	<u>541</u> 46	<u>639</u> 205	<u>32,3</u> -1,9	<u>33,8</u> 1,2	<u>30,1</u> -1,6	<u>16,9</u> -1,0	<u>15,4</u> -1,0	<u>15,7</u> -0,6	<u>4,2</u> 0,3	<u>16,7</u> -1,9	<u>5,0</u> 0,8
А.Х- ов	<u>406</u> -27	<u>456</u> 224	-	<u>39,9</u> -0,6	<u>35,4</u> -1,2	-	<u>16,2</u> -2,1	<u>3,5</u> -1,6	-	-	-	-
А.К- ов	<u>702</u> 36	<u>644</u> 89	-	<u>25,5</u> -0,5	<u>28,2</u> -0,3	-	-	-	-	-	-	-
М.М- ов	<u>864</u> 119	<u>709</u> 223	<u>716</u> 395	<u>32,2</u> -1,8	<u>34,1</u> -2,2	<u>32,0</u> -5,6	<u>14,2</u> -2,0	<u>3,8</u> 0,3	<u>16,6</u> -3,1	<u>4,2</u> -0,2	<u>16,9</u> -2,0	<u>4,0</u> -0,3
Б.Б- ов	<u>229</u> 241	-	<u>688</u> 22	<u>34,1</u> -1,6	-	-	<u>16,4</u> -2,3	<u>3,0</u> 0,4	-	-	<u>18,0</u> -2,9	<u>3,6</u> -0,7
\bar{x}	<u>713,1</u> 157,8	<u>675,5</u> 196,5	<u>691,8</u> 306,2	<u>34,1</u> 1,7	<u>32,9</u> 1,2	<u>32,7</u> 2,5	<u>15,4</u> 1,5	<u>3,7</u> 0,9	<u>16,1</u> 1,2	<u>3,6</u> 0,6	<u>17,3</u> 1,9	<u>3,6</u> 1,1
p		>0,05		>0,05	>0,05	>0,05	<0,05		<0,05		>0,05	>0,05
		>0,05		>0,05	>0,05	>0,05	>0,05		>0,05		>0,05	>0,05
		>0,05		>0,05	>0,05	>0,05	>0,05		>0,05		>0,05	>0,05
		>0,05		>0,05	>0,05	>0,05	>0,05		>0,05		>0,05	>0,05
		<0,001		>0,05	>0,05	>0,05	>0,05		>0,05		>0,05	>0,05
		<0,01		<0,05	<0,05	<0,05	>0,05		>0,05		<0,05	<0,05

Изоҳ: Суратида – фонларнинг маълумотлари, махражда – юкламага реакцияни акс эттирувчи фон ва маълумотлар орасидаги фарқ кўрсатилган.

Қисқармалар: ЭТҚ – электротери қаршилиги, ЁЧБКЧ – ёруғлик чақнашларини бирлаштиришнинг критик частотаси, част – частота, ампл – амплитуда.

Тезлик ва аниқлик, ҳаракатли реакция кўрсаткичлари, нафақат юкламаларнинг спортчиларга таъсир даражаси, балки уларнинг машқланганлик даражасидан ҳам далолат беради. Айниқса, бу борадаги тажриба маълумотларни йилнинг асосий стартига тайёргарлик кўришда олинган – индивидуал тавсифлар билан таққослаш аҳамиятлидир (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Йилнинг асосий стартига тайёргарлик босқичида боксчиларнинг ҳаракат реакциялари кўрсаткичлари (сонияда)

Спортчи	Энг яхши кўрсаткичлар (МТ)					Босқичнинг бошланиши					Босқичнинг якуни				
	ОР	ТР	АР			ОР	ТР	АР			ОР	ТР	АР		
			1	2	3			1	2	3			1	2	3
Б.Ж-ов	<u>165</u>	<u>263</u>	<u>135</u>	<u>265</u>	<u>276</u>	<u>168</u>	<u>302</u>	<u>221</u>	<u>312</u>	<u>296</u>	<u>172</u>	<u>269</u>	<u>201</u>	<u>275</u>	<u>290</u>
	157	242	258	284	165	157	250	320	320	302	183	251	265	296	219
Д.Р-ов	<u>150</u>	<u>230</u>	<u>187</u>	<u>305</u>	<u>316</u>	<u>155</u>	<u>239</u>	<u>322</u>	<u>364</u>	<u>325</u>	<u>173</u>	<u>235</u>	<u>198</u>	<u>312</u>	<u>317</u>
	145	180	290	280	234	152	256	298	289	256	163	290	290	302	246
Е.А-ов	<u>161</u>	<u>289</u>	<u>269</u>	<u>275</u>	<u>280</u>	<u>172</u>	<u>287</u>	<u>338</u>	<u>291</u>	<u>313</u>	<u>166</u>	<u>282</u>	<u>279</u>	<u>271</u>	<u>271</u>
	142	272	210	202	146	161	267	201	196	300	147	295	253	285	245
Ш.З-ов	<u>135</u>	<u>262</u>	<u>202</u>	<u>188</u>	<u>183</u>	<u>165</u>	<u>312</u>	<u>219</u>	<u>268</u>	<u>310</u>	<u>140</u>	<u>301</u>	<u>222</u>	<u>192</u>	<u>194</u>
	122	254	180	155	179	159	306	206	253	297	128	284	245	176	189
Ж.Р-ов	<u>159</u>	<u>284</u>	<u>212</u>	<u>227</u>	<u>296</u>	<u>168</u>	<u>324</u>	<u>244</u>	<u>314</u>	<u>307</u>	<u>162</u>	<u>289</u>	<u>226</u>	<u>240</u>	<u>301</u>
	152	274	198	204	267	163	296	236	298	279	155	280	260	257	320
И.М-ов	<u>152</u>	<u>252</u>	<u>243</u>	<u>212</u>	<u>150</u>	<u>162</u>	<u>266</u>	<u>261</u>	<u>297</u>	<u>157</u>	<u>152</u>	<u>275</u>	<u>199</u>	<u>216</u>	<u>249</u>
	148	242	222	193	146	156	257	254	287	152	139	264	210	237	216

Изоҳ: суратда – машғулотдан олдин олинган натижалар; махражда – кейин.

Қисқартиришлар: МТ – модел тавсифлари, ОР – оддий реакция, ТР – танлов реакцияси, АР – антиципирловчи реакция.

Индивидуал модели тавсифлар қуйидаги тарзда олинди: 1 босқичнинг бошида ва икки марта 3 босқичда бажарилган барча текширувларда (йилнинг асосий стартга тайёргарлик бўйича йилнинг бошланиши ва охирида) ҳаракатли реакцияларнинг бешта параметрлари бўйича энг яхши кўрсаткичлар танланди.

Спортчи қачонлардир эришган энг яхши натижаларни, шартли равишда, индивидуал модели тавсифлар деб атадик.

Асосий стартга тайёргарлик босқичи якунида олинган маълумотлар модел тавсифлар даражасига яқинлашди, бу, айниқса, жангги манёврли олиб боришга мойиллиги бор боксчиларга тааллуқли. Шундай спортчилар борки, улар спорт формасининг “чўққисига” бошқаларга қараганда узокрок эришдилар: босқичнинг бошида уларнинг ҳаракатли реакция кўрсаткичлари модел тавсифлардан сезиларли даражада паст бўлди. Йилнинг асосий стартга тайёргарлик босқичининг бошида бошқа спортчилар машғулот юкламаларига адекват бардошлиликни кўрсатишди, яъни машғулотдан сўнг реакция тезлиги яхшиланди. Босқич охирида, ишнинг таъсири остида нафақат чарчоқ сезила бошлади, балки эрта мусобақа олди ҳолати шаклланди. Бундай спортчилар шароитли кўзғатувчилар таъсирига дош бера олмади ва машғулотлардан сўнг реакция тезлиги машғулотлардан олдингига қараганда ёмонлашди.

Боксчиларнинг индивидуал психодинамик хусусиятлари ва уларнинг фаолият услуби хусусиятлари машғулот жараёнининг ўзига хос жиҳатларида, тайёргарликнинг турли босқичларидаги юкламаларни тақсимлашда намоён бўлади.

Қуйидаги қизиқарли факт ўзига эътиборни тортади. Жанговар потенциални тўплаш босқичининг бошида, спортчиларнинг машқланганлиги юқори бўлмаган вақтда, бажариладиган машғулот ишларида индивидуал фарқлар сезиларли бўлади. Бу босқичнинг ўртасида, машқланганлик ошишига қараб, улар текисланиб боради. Босқич якунида, машқланганлик сифат жиҳатидан янги даражага етганда, машғулот ишларидаги индивидуал фарқлар яна сезиларли тус олади. Фақатгина машғулотнинг мотор зичлиги барчада маълум бир қийматга яқин бўлади.

Афсуски, юқори малакали боксчиларни тайёрлаш амалиёти шундай тузилганки, асосий мусобақалар даврида, йилнинг асосий стартга тайёргарлик кўришда, психодинамик хусусиятлар ва жанг фаолиятининг индивидуал услуби хусусиятларидан қатъий назар, уларга бир хил иш режалаштирилади. Назорат мусобақалари ёки жамоага танлаш мақсадида ўтказиладиган ЖТ вақтида I (“тортувчи”) ва II (“зарбдор”) МЦ ларда мутлақо бир хил иш бажарилади. “Зарбдор” микроциклда юкламани ўзгартириш – бу, моҳиятан, ўзининг тайёргарлигини ва бу билан йилнинг асосий стартда иштирок этишни гумон остига қўйиш демакдир. Шунинг учун, агар индивидуал тузатишлар мавжуд бўлса ҳам, улар мажбурий характерга эга ва спортчиларнинг функционал ёки руҳий ҳолатининг ёмонлашуви ёки саломатликдаги қандайдир оғишлар билан изоҳланади. Юқорида баён этилган қонуниятлардан келиб чиқиб, биз, педагогик

тажрибани юқори малакали боксчиларнинг олий спорт маҳорати босқичида мусобақа олди тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича кўрдик.

“Фаолиятнинг индивидуал услуби хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлигини оптималлаштириш” деб номланган тўртинчи бобда, фаолиятнинг индивидуал услуби хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, юқори малакали боксчиларнинг мусобақа олди жараёни самарадорлигини оширувчи тажриба дастурининг тавсифи кўрсатилган ва илова қилинаётган модернизациянинг самарадорлигини апробацияси бўйича педагогик тажрибанинг натижалари келтирилган.

Икки йил давомида ҳар бир масъулиятли мусобақага тайёргарлик кўришда қуйидагилар аниқланди: 1)спортчининг техник ва тактик репертуарининг модели тавсифларга мослиги; 2)унинг машқланганлигининг “бошланғич даражаси”; 3)реакция кўрсаткичларининг машғулот юкламаларига ўхшаш, яъни худди шундай хусусиятларга эга спортчилар учун белгиланганларга мослиги.

Расмий фарқланувчи белгиларга мувофиқ, машғулот жараёнининг индивидуаллаштириш йўллари аниқлаш учун, таянч маълумотларга эга бўлиш мақсадида, текшириш маълумотлари ва эксперт баҳолар бўйича аввалдан ҳар бир боксчи учун қисқача тавсифномалар тузилди.



1-расм. Юқори малакали боксчиларнинг мусобақа олди тайёргарлиги жараёни самарадорлигини оширувчи дастур

Боксчилар тайёргарлигини такомиллаштириш воситаларининг апробацияси ва жорий этилиши бўйича тажриба Ўзбекистон спорт устасидан то халқаро тоифадаги спорт устаси унвонига эга бўлган олти нафар малакали спортчи билан 2018 йилдан 2019 йилга қадар, аниқроғи, 2018 йилнинг сентябрь ойида бошланиб (тайёргарлик даври, базавий функционал тайёргарлик босқичи) 2019 йилнинг август ойида якунланган (асосий мусобақалар даврида, йилнинг асосий стартига тайёргарликнинг якуний босқичида) спорт мавсуми давомида ўтказилди. Тажриба гуруҳи боксчилари, биз ишлаб чиққан тавсияларни инобатга олган ҳолда, тажриба дастури бўйича машқ қилдилар.

Бундай объектив маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, ўз ичига қуйидагиларни олган машғулот жараёни дастури (1-расмда келтирилган). Бундай объектив маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, ўз ичига қуйидагиларни олган машғулот жараёни дастури (1-расмда келтирилган). Тажриба дастури самарадорлиги, тажриба давомида боксчиларнинг спорт натижалари динамикасини таҳлил қилиш йўли билан баҳоланди.

